



7«12»2022 yil.

669-13-194-MT/2022-son

### ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

(45)

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Элликқалъа туман МТБ номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи Ж.Балтаев бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи Бустон Истиклоли МЧЖ номидан Устав асосида фаолият олиб борувчи Д.Бабажанов бир томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

#### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товар ва махсулотлар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Бахоси	Суммаси	К К С		Умумий қиймати
						Ставка	Сумма	
1	Гуруч	кг	75	6000	450000	15%	67500	517500,0
Жами:					450000,0	67500,0		517500,0

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 517500 ( Беш юз ун етти минг беш юз ) сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан ёки ҚҚС сиз) 67500 ( Олтмиш етти минг беш юз ) сум.

#### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % микдоридан олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 30 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди. 2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 5 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади 2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартномада кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади. 2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.



### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари: Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса; Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш; Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш: - тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; - камчиликларни беғараз бартарф этиш; - Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш. 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари: - мазкур шартномага мувофиқ тузилган шартнома бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш; - товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш. 3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: - “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш; - Буюртмачидан жойлаштирилган шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш. 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари: - Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш; - агар товарларни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш. 3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт. 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи: - Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди. Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди. 4.3. Етказиб берувчи: - Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берилганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди. 4.5. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берилганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак



бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва Тарфларнинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида булади.

7.3. Мазкур шартнома ҳар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхада тузилади

#### 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

8.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни қафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

8.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

8.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайди.

8.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

#### 9. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022\_ й. " 31 " Декабрьгача амал қилади.




9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

### 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи : «Бустон Истиклоли » МЧЖ
Манзил:Бустон Шаҳри
Телефон: 998972207733
Факс:
Стир коди 205408004
Оконх 71150
Х/Р 20208000704381095001
Халк банки Эллиқкальа филиали
МФО 00646
Рахбар Д.Бабажанов
МЎ.

«Буюртмачи»
(бюджетдан маблағ олувчининг номи) Эллиқкальа туман МТБ
Манзил:Бустан ш. Х.Дустлиги куча
Тел./факс 585-14-72
ш/х* 100022860352507091100251047
Банк номи
х/в**
МФО СТИР 207267646
ОКОНХ 92310
Ғазначилик бўлинмаси номи
Ғазна х/в Эллиқкальа тумани Ғазначилик булинмаси 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк тошкент ш
МФО 00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919
Рахбар (лавозим) Ж.Балтаев

	<p>Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.</p>	
	Imzolovchi F.I.SH.	DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH
	Imzolangan sana	07.12.2022 10:33
	Hujjat kodi	<b>OQ8372083336</b>
	Hulosa kodi	<b>US6574841582</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

US6574841582

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Oziq-ovqat shartnoma
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 06.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Ellikqal'a tumani  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
markaz rahbari:**



**A.M.KADIROV**

07.12.2022





Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги махсулотларини захирага сотиб олиш ва жамлаш бўйича

энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясининг 6 -сонли мажлис баённомаси

2022-йил «4» декабр

соат 16 : 35

Бўстон шаҳри

Комиссия раиси

Комиссия аъзолари

- Балтаев Жавлонбек Кабулжанович  
(ф.и.ш)
- Нурмахашев Бекзод Саен ўғли  
(ф.и.ш)
- Сабиров Уктам Абдуллаевич  
(ф.и.ш)
- Алламуратова Замира Қаллибековна  
(ф.и.ш)
- Хақимбаев Мансуржон Аҳмедович  
(ф.и.ш)
- Туркменбаев Эркинбой Қурамбаевич  
(ф.и.ш)

- Мактабгача таълими бўлими мудири  
лавозими
- Мактабгача таълими бўлими кадрлар бўйича мутахассис  
лавозими
- Мактабгача таълими бўлими бош ҳисобчиси  
лавозими
- Мактабгача таълими бўлими ҳисобчи  
лавозими
- Мактабгача таълими бўлими шартнома бўйича ҳисобчиси  
лавозими
- Мактабгача таълими бўлими ҳужалик мудири  
лавозими

**КУН ТАРТИБИ:**





танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига куйидаги маълумотларни берди:  
 Ушбу энг яхши таклифни танлаб олиш мактабгача таълими бўлимининг бюджет маблағлар ҳисобидан Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги махсулотларини захирага сотиб олиш ва жамлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.  
 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом) 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш ўтказилиши ҳақидаги порталида (<http://dxarid.uzex.uz/>) эълон танлаш қатнашувчиларининг қабул қилиш муддати якунига 5 (беш) иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали 2022 йил 2 декабр куни 193777-сонли лот жойлаштирилди. Шундан, энг яхши таклифларни олиш ўтказилишидаги эълон (<http://xarid.uzex.uz/>) сайтида жойлаштирилди.  
 Танлаб олиш бошланғич суммаси: **525 000,00** сўм  
 Шу муддатларда ўзининг тижорат таклифларини куйидаги қатнашувчилар топширди:  
**Таклифларни баҳолаш**

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошланғич суммаси:	Қатнашувчиларнинг тижорат таклиф суммаси (сумда)		
			OOO BO STON ISTIQLOLI	ALL-MARKETS MCHJ	
1.	Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги махсулотларини захирага сотиб олиш ва жамлаш бўйича	525 000,00	517 500,00	525 000,00	
<b>ЖАМИ:</b>			<b>517 500,00</b>	<b>525 000,00</b>	

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари ҳақида"ги Низом талабларига ҳамда юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлаш комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўстон Истиклоли МЧЖ Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги махсулотларини захирага сотиб олиш ва жамлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлашда (ҚҚС билан бирга) танлаш ғолиби деб топилсин.
2. Ғолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансин. Бунда ғолиб қатнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
3. Низом талабларига мувофиқ танлаш қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ҳам баҳолаш муддати таклифлар бериш куни тугашидан 10 (ўн) иш кунидан охиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
4. Мактабгача таълими бўлимининг бош ҳисобчиси Сабиров Уктам Абдуллаевич танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига муҳокама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топширилсин.
5. Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлаш таъминлансин.
6. Мактабгача таълими бўлими бош ҳисобчиси Сабиров Уктам Абдуллаевич ушбу 2 (икки) иш куни ичида Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги Давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йил куз-қиш мавсумида қишлоқ хўжалиги махсулотларини захирага сотиб олиш ва жамлаш натижалари бўйича бошқа пудратчи ташкилотлардан эътирозлар келиб тушмади, ғолиб ташкилот Бўстон Истиклоли МЧЖ деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари

-   
(имзо)
-   
(имзо)
-   
(имзо)
-   
(имзо)

- Нурмахашев Бекзод Саен ўғли  
(ф.и.ш)
- Сабиров Уктам Абдуллаевич  
(ф.и.ш)
- Алламуратова Замира Қаллибековна  
(ф.и.ш)
- Хақимбаев Мансуржон Аҳмедович  
(ф.и.ш)
- Туркменбаев Эркинбой Қурамбаевич  
(ф.и.ш)